

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ ШУХРАТЖОН ШЕРАЛИЕВИЧ

**ШАХС ЭСТЕТИК ЭҲТИЁЖЛАРИНИНГ КИБЕРМАКОНДАГИ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Ражабов Шухратжон Шералиевич

Шахс эстетик эҳтиёжларининг кибормакондаги трансформацияси.....3

Ражабов Шухратжон Шералиевич

Трансформация эстетических потребностей личности в киберпространстве..23

Rajabov Shuxratjon Sheraliyevich

Transformation of personal aesthetic needs in cyberspace.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ ШУХРАТЖОН ШЕРАЛИЕВИЧ

**ШАХС ЭСТЕТИК ЭҲТИЁЖЛАРИНИНГ КИБЕРМАКОНДАГИ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
ракам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Илмий раҳбар:

Кадирова Дилбар Салиховна

фалсафа фанлари номзоди, доцент
Агзамходжаева Саида Сабитхановна,
фалсафа фанлари доктори, профессор
Умаров Маъмуржон Баташикович,
фалсафа фанлари номзоди, профессор
Жиззах давлат педагогика университети

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот:

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 раками Илмий кенгашнинг 20__ йил «__» соат __
даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-
йй. Ўзбекистон _____ Тел.: (99871) 246-02-24,
факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (___-раками билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174,
Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-йй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-
24.)

Диссертация автореферати 20__ йил «__» _____ қуни тарқатилди.

(20__ йил «__» августдаги №__ раками реестр баённомаси).

И.С.Саифназаров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

Г.М.Рузматова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Ж.С.Раматов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш хузуридаги
илмий семинар раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда интернет ва ахборот-коммуникация технологияларининг кенг тарқалиши жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланишининг энг муҳим шартларидан биридир, ушбу жараён ижтимоий-маданий динамиканинг янги йўналиши шаклланишида ўз ифодасини топмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши эстетик фаолият турларининг янада кенгайишига олиб келди. Кибермаконнинг шаклланиши билан унда эстетик муносабатлар жадал ривожланиб борди, жумладан, эстетик дунёқараш, тақдимот ва ўз-ўзини идентификациялаш, шахс томонидан фалсафий-эстетик воқеликни эстетик идрок этиш каби трансформацион жараёнлар бошланди. Ҳозирги даврда кибермаконда аксиологик парадигмалар, эстетик мезон ва меъёрлар, мулоқот усуллари, қарашларнинг тез ва кескин ўзгариши каби ҳолатларни тадқиқ этиш заруратга айланиб бормоқда.

Дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларидаги етакчи илмий тадқиқот институтлари ва марказларида кибермакон, унинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларининг эстетик хусусиятлари, оммавий ахборот воситалари, виртуал реаллик, замонавий санъат соҳаларида эстетик омилларнинг ўрни, шахс эстетик эҳтиёжларининг кибермакондаги трансформацияси асосларини ўрганишга доир тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кибермаконнинг келиб чиқиши ва шаклланиши, виртуал оламнинг эстетик манзараси, кибермакон барқарорлиги, глобал интернет - телекоммуникация, оптик толали ва сунъий йўлдош тармоқлари кенг матрицасининг эстетик эҳтиёжлар трансформациясига таъсири, кибермаконни тушуниш, унинг ривожланиши, динамикаси, норма ва стандартларини тадқиқ этиш ҳамда шахс эстетик эҳтиёжларини баҳолаш каби мавзулар тадқиқ этилмоқда. Шунингдек, кибермаконда шахс эстетик эҳтиёжларининг трансформациясига оид илмий изланишлари олиб бориш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Ўзбекистонда глобаллашув шароитида миллий ахборот маконини сақлаб қолиш давлат сиёсати даражасидаги масалага айланмоқда. Жумладан, шахс эстетик эҳтиёжларининг кибермакондаги трансформацияси жараёнларининг пайдо бўлиши, маданият соҳаларида интернет-ахборот-коммуникация тармоғининг жорий этилиши ҳамда кибермаконнинг инсон онги ва ҳиссиётларига таъсирини тадқиқ этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда кибермакон, интернет ҳамда рақамли билимларга оид ўзига хос бир қанча илмий - амалий ишлар амалга оширилаётган бўлиб, «аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий-ахборот воситаларида манавий-ахлоқий маъзонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш лозим»¹. Бутунги кунда долзарб аҳамият касб этаётган мазкур масалага оид илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022. – Б. 282.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон «Ахборотлаштириш тўғрисида», 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида», 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ-764-сон «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида», 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 26 марта ПҚ-5040-сон «Маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кибермакон шаклланиши билан боғлиқ муаммолар: эстетик эҳтиёжлар трансформацияси, ёшлар дунёқарашининг хавфсизлигини таъминлаш, уларда виртуал оламдаги жараён ва ҳодисаларга тўғри муносабатни шакллантиришга барча даврларда алоҳида эътибор қаратилган. Юнонистонда «Vir(t)» («Вирт») ўзаги асосидаги тушунча мазмунини аниқлашда икки йўналиш ривожланиб келган: «афлотунча» (олам ва унинг қиёфалари муаммолари)² ва «арастучча»³ (долзарб ва яширин муаммолар). Бундан ташқари, мавзу билан бевосита боғлиқ бўлган «виртуаллик» тушунчаси Г.Лейбниц ва Ж.Локк томонидан туғма ғоялар билан боғлиқ ҳолда «платонча» кўринишда ўрганилганига гувоҳ бўлиш мумкин⁴. А.Бергсон «виртуаллик»нинг фалсафий мазмuni ривожланишида муҳим босқични бошлаб берган⁵. Унинг қарашларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, «виртуаллик» моддий мезон асосида содир этиладиган олам давомийлигидаги узилишни англатади. Бу фикрдан маълум бўладики, виртуаллик ҳақидаги тасаввурлар қўпроқ экспериментал маъно-мазмунга эга бўлган.

Ғарбда шахс эстетик эҳтиёжлари ва уларнинг кибермакондаги трансформацияси турли ижтимоий-гуманитар фанлар нуқтаи назаридан

² Платон. Собрание сочинений., – М., Директ-Медиа, 2010. – С.341.

³ Аристотель. Полное собрание сочинений. – М., Директ-Медиа, 2002. – С. 70.

⁴ Лейбниц Г. Новый опыт о человеческом разуме. – М., таржима (франсуз тилидан) 2008; Джон Локк. Опыт о человеческом разуме. – М., 2006. – Б.193.

⁵ Бергсон А. Собрание сочинений, – М., Материя и память. 2002. С. 245.

тадқиқ этилган. XX асрнинг машхур файласуфлари У.Гибсон, К.Ф.Вайцеккер, П.Девис, Э.Кассирер, В.Клиффорд, А.Пайс, И.Р.Пригожин, И.Л.Розенталь, К.Хюбнернинг тадқиқотларида «кибермакон» тушунчасининг «моддий олам» ва «виртуал олам» ғоялари билан тусланиши, ҳатто, таққосланиши борасидаги фикрлар ривожлантирилган. У.Гибсон ўз қарашларида кибермаконни жамоавий галлюцинациялар, инсон тизимидаги ҳар қандай компьютернинг хотира банкларидан олинган маълумотларнинг график тасвири, ақлнинг кўринадиган майдонини кузатувчи ёруғлик чизиклари нуқтаи назаридан таҳлил қилган⁶.

МДҲ доирасида «кибермакон» муаммосининг фалсафий жиҳатлари А.Р.Барышев, Р.И.Вылков, О.И.Радина, С.Л.Васенев, Д.Ю. Поверенная каби олимлар томонидан ўрганилган⁷. Бундан ташқари, компьютердаги «эстетик эҳтиёжлар» ва уларнинг трансформацияси масалалари Н.Винер, С.И.Орехов, Д.И.Дубровский, Р.Ф.Абдеев, Д.В.Иванов, М.Б.Игнатьев⁸ ва бошқа олимлар тадқиқотларида кўриб чиқилган, бу виртуалистиканинг бутун муаммоларини долзарблаштириш ва уни фан сифатида шакллантиришга туртки берди. Россиялик олим И.А.Василенко исталган давлатнинг кучи ва таъсири унинг ахборот маконидаги ўрни билан бевосита боғлиқлигини тушунтиришга ҳаракат қилган⁹.

Ўзбекистонда кибермаконнинг онтологик, гносеологик, эпистемологик ва диалектик асосларини тадқиқ этган олимлар қаторига А.К.Турашбекова, А.Г.Муминов, А.Мухторов, Б.Р.Каримов, В.Хайруллаева, Г.Ф.Фаффарова, Э.М.Иззетова, И.Саифназаров, М.Нурматова, Н.Б.Абдуллаева, Н.А.Шермуҳамедова, О.Ғайбуллаев, Т.Султанова, Ш.С.Қўшоқов, М.З.Абдуллаева, З.Д.Давронов, кабиларни киритиш мумкин¹⁰. Шунингдек,

⁶ William Gibson. Neuromancer. – New York: 20th Anniversary Edition Ace Books, 2004. – № 4. -Р. 87.

⁷ Барышев А.Р. Киберпространство и проблема отчуждения // Диссертации к. ф. н. – Красноярск, 2009. –Б. 65. Вылков Р.И., Киберпространство как социокультурный феномен, продукт технологического творчества и проективная идея // Философские исследования. –Екатеринбург, 2009, – № 1.; Радина О.И., Васенев С.Л., Поверенная Д.Ю., Социальные сети как инновационная технология позиционирования индустрии красоты. – Interactive science. 4 (50). – М., 2020.

⁸ Винер Н., Кибернетика и общество. - М.: АСТ, 2003. – С 280., Орехов С.И., Поиск виртуальной реальности. – Омск. Издательство ОмГПУ, 2002. – № 2 (3). – С 214., Дубровский Д.И., Проблема духа и тела: возможности решения. - М.: Вопросы философии, 2002. – №4. – С. 92-107; Абдеев Р.Ф. Философия информационной цивилизации. – М.: Владос, 1994. – С. 336.

⁹ Василенко И.А., Геополитика современного мира. – М., 2006. – С 317.

¹⁰ Абдуллаева.Н.Б., Замонавий ўзбек матбуоти дизайнининг эстетик хусусиятлари (журналлар мисолида) // ф. ф. н. дисс. Автореф. –Тошкент, 2010. – 22-бет., Абдуллаева М.З. Кибермакон ва ислом билан боғлиқ диний-маънавий жараёнлар // д. т. ф.ф. д. (PhD) дисс. Автореферати. –Тошкент, 2020., Нурматова М., Шахс маънавий камолотида эстетик ва ахлоқий қадриялар уйғунлиги муаммоси // ф. ф. д. Диссертация. –Тошкент, 2011. – 74-бет., Муминов А.Г., Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. –Тошкент: Турон замин зиё, 2013. – Б. 12., Мухторов А., Миллий ғоя тақомилдида эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги // ф. ф. д. дисс. Автореферати. – Тошкент: 2010. –13-бет., Гайбуллаев О., Шахс эстетик маданиятининг шаклланиш ва ривожланиш муаммолари // ф. ф. д. дисс. Автореферати. –Тошкент, 2011. – 49-бет., Саифназаров И., Социаль-нравственная сущность современного трудового коллектива: Автореферат дис. д. ф. н. – Ташкент, 1992. -С. 50., Faффарова Г.Ф., Мураккаб тизимларда ахборот генерациясининг фалсафийметодологик асослари // ф. ф. д. (DSc) дисс. Автореферати. –Тошкент, 2019. –49-бет, Шермуҳамедова Н. Социально-философские аспекты формирования стиля научного мышления // Автореф. дисс. д. ф. н. – Тошкент: Университет, 2002. –С. 35. Қўшоқов Ш.С. Постнеклассическая наука и циклистика: точки соприкосновения в методологии и стиле мышления // Материалы I Международной конференции «Циклы». – Ставрополь: СевКавГТУ, 1999. –С. 104-105., Туляев А.И. Виртуал оламнинг ахлоқий муаммолари (фалсафий таҳлил) // ф. ф. б. ф. д. (PhD) дис.

А.Г.Мўминов, А.Эркаев, А.Туляев, Д.С.Кадирова, М.Эркабоев, О.Муҳаммаджонов, Т.Дўсчонов каби олимлар кибермаконнинг эстетик жиҳатлари ҳақида фикр юритганлар¹¹. А.Мўминов ўзининг «Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари» номли монографиясида шундай фикр билдирган: «Глобал тармоқнинг фойдаланувчилари Интернет бундай кенг тарқалишининг сабаблари қаторида ахборот узатишнинг бир-биридан ажралмаган, қўйидаги афзал жиҳатларини қайд этадилар: ахборотни босма ҳолда узатиш; радио (овоз йўли билан); телевидение (овоз+видео)»¹². Г.Ф.Фаффарова мураккаб тизимларда ахборот генерациясининг фалсафий-методологик жиҳатларини асослаш бўйича илмий изланишлар олиб борган. А.Туляев ўз тадқиқотларида «виртуал олам» муаммоларини социология, кибернетика, тиббиёт билан ўзаро алоқадорликда тадқиқ қилиш муҳимлигини таъкидлаб, кишиларнинг ҳаёт фаолияти кундан-кунга «виртуал ҳамжамиятда», «тармоқли жамиятда», «кибермаконда» фаол амалга ошаётганлиги ҳақидаги фикрларни илгари сурган¹³.

Мавжуд илмий адабиётлар ва изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, шахс эстетик эҳтиёжларининг кибермакондаги трансформацияси турли соҳа олимлари томонидан ўрганилган бўлса-да, танланган мавзу мустақил тадқиқот обьекти сифатида фалсафий-эстетик жиҳатдан маҳсус тадқиқ этилмаган. Бу эса мавзу долзарблигини белгилайдиган асосий омиллардан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Этика ва эстетиканинг замонавий долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шахс эстетик эҳтиёжларини кибермакон трансформацияси жараёнларида фалсафий жиҳатдан очиб бериш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эстетик эҳтиёжларнинг кибермакондаги трансформацияси фалсафий жиҳатларининг илмий-методологик асосларини очиб бериш;

виртуал олам ва кибермаконнинг шахс эстетик эҳтиёжлари трансформациясига таъсирини фалсафий-эстетик жиҳатдан тадқиқ этиш;

эстетик эҳтиёжларнинг кибермакондаги трансформацияси жараёнида юзага келадиган эстетик муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

Автореферати. – Тошкент, 2021. – Б. 15., Турашбекова А.К., Научное мировозрение и его влияние на формирование стиля мышления творческой интеллекции // Автореферат дисс. к. ф. н. – Тошкент: Пед.институт, 1990. – С. 25. Хайруллаева В., Гибкость мышления и её методологическое значение // Автореф. дисс. к. ф. н. – Тошкент, 2000. – 18 с. Султанова Т. Проблемы развитие интеллектуального потенциала независимой Республики Узбекистан // Автореф. дисс. к. ф. н. – Тошкент, 1995. – 18 с.

¹¹ Эркабоев М., Дўсчанов Т., Тафаккур ва ҳаёт уйғуллари // Мулокот. – Тошкент, 2003. – № 3. – Б. 13; Муҳаммаджонов О., Ҳуқуқий тафаккур маҳсули: парламентчилик тараккиёти // Тафаккур. – Тошкент, 2003. – № 2. – Б. 4-9; Эрқаев А., Тафаккур эркинлиги мезонлари // Тафаккур. – Тошкент, 2006. – № 1. – Б. 14.

¹² Муминов А.Г., Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. – Тошкент: Турон замин зиё, 2013. – Б. 12.

¹³ Туляев А.И., Виртуал оламнинг ахлоқий муаммолари (фалсафий таҳлил): Ф. ф. б. ф. д. (PhD) дис. Автореферати. – Тошкент: 2021. – Б. 15.

шахс эстетик эҳтиёжларининг Янги Ўзбекистондаги эстетик қадриятлар тизимига таъсири ҳамда мамлакатимизда киберхавфсизлик соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг эстетик моҳиятини фалсафий жиҳатдан очиб бериш.

Тадқиқотнинг объектини шахс эстетик эҳтиёжлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети кибермаконда шахс эстетик эҳтиёжлари трансформациясининг фалсафий-эстетик жиҳатларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда билишнинг анализ ва синтез, умумлаштириш, ижтимоий сўров, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

кибермаконда шахс эстетик эҳтиёжлари трансформацияси жараёнида рақамли ахборот макони, коорпоратив ахборот макони, оммавий ахборот макони, медиамакон каби элементларнинг категориал тизими инсон эҳтиёжларининг динамикаси жамиятда технооптимизм ва технопессимизм шаклланишига детирминистик жиҳатдан таъсир этиши очиб берилган;

виртуал оламнинг эстетик манзарасини бадиий образларда намоён бўлиши эстетик муносабатлар ўзгаришига мутаносиб равишда амалга ошиши, унинг инсон эстетик онги ва тафаккурига таъсирини ўзаро алоқадорлик хусусиятлари акседологик жиҳатдан эстетик анлаш ва ихтиёр эркинлигига боғлиқлиги асосланган;

кибермаконда ёшларни эстетик дид ва эҳтиёжларига таъсир кўрсатувчи жараёнларини ҳал этишдаги имкониятлари, уни назорат қилишнинг чекланганлиги, инсонларнинг маънавий-руҳий оламига таъсир кўрсатиш орқали манипуляция қилишдаги уринишлардан ҳимоялашда прагматиклик ва креативлик уйғуналигининг эстетик идеални шакллантиришдаги роли асосланган;

Ўзбекистонда кибермакондаги хавфларни бартараф этишга қаратилган ислоҳотлар эстетик эҳтиёжлар трансформацияси натижасида юзага келаётган кибермаданий, медиамаданий ва медиаэстетик омиллар таъсирининг глобаллашув шароитидаги герменевтик моҳияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

«Киберэстетика ва кибермаконнинг эстетик эҳтиёжларга таъсири» мавзууда социологик тадқиқот натижалари мониторинг қилиниб, таҳлилий маълумот ишлаб чиқилган;

Кибермаконнинг шахс эстетик эҳтиёжлари ва маданиятига салбий таъсирини камайтириш, ғайриэстетик хусусиятларини таҳлил қилиш, кибермаконда эстетик эҳтиёжларнинг трансформацияси натижасида уларни янги босқичга қўтариш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилингани, ОАҚ рўйхатидаги тегишли журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган шахс эстетик

эҳтиёжларининг кибермаконда мослашувчанлиги, кибермакон трансформациясининг шахс эстетик дид ва тафаккурига таъсири ҳамда мамлакатда виртуал олам ва кибермаконга оид амалга оширилаётган ислоҳотларнинг эстетик моҳиятига оид умумлаштирилган хулосалардан кибермакон ва эстетик эҳтиёжлар трансформациясини ўрганишга доир илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялар, хулоса ва тавсиялардан Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида фойдаланиш мумкинлигига намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шахс эстетик эҳтиёжларининг кибермакондаги трансформация жараёнини ўрганишга оид олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

кибермаконда шахс эстетик эҳтиёжлари трансформацияси жараёнида рақамли ахборот макони, коорпоратив ахборот макони, оммавий ахборот макони, медиамакон каби элементларнинг категориал тизими инсон эҳтиёжларининг динамикаси жамиятда технооптимизм ва технопессимизм шаклланишига детирминистик жиҳатдан таъсир этиши очиб берилганлигига оид таклиф, тавсия ва хулосалардан Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг 2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиши чора-тадбирларининг 7- ва 9- бандларини бойитишида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг 2022 йил 29 сентябрдаги 01-23/764-сон маълумотномаси). Диссертациянинг тадқиқот натижалари, таклиф ва тавсияларидан фойдаланилганлиги агентликнинг ёшларни оммавий ахборот макони, рақамли ахборот макони ва медиамакондан фойдаланишларини мустаҳкамлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиши ўналишидаги фаолияти самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатган;

виртуал оламнинг эстетик манзарасини бадиий образларда намоён бўлиши эстетик муносабатлар ўзгаришига мутаносиб равишида амалга ошиши, унинг инсон эстетик онги ва тафаккурига таъсирини ўзаро алоқадорлик хусусиятлари аксеологик жиҳатдан эстетик анлаш ва ихтиёр эркинлигига боғлиқлиги асосланганлигига оид таклиф, тавсия ва хулосалардан «Ўзбекистон тарихи» телеканалида эфирга узатилган «Тақдимот» кўрсатуви сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston teleradiokanalı» давлат муассасасининг 2022 йил 9 сентябрдаги 06-31-1471-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши телетомошибинларга кибермакондаги турли виртуал оламларнинг умумий эстетик хусусиятлари бўйича илмий маълумотларни етказишига хизмат қилган;

кибермаконда ёшларни эстетик дид ва эҳтиёжларига таъсир кўрсатувчи жараёнларини ҳал этишдаги имкониятлари, уни назорат қилишнинг чекланганлиги, инсонларнинг маънавий-руҳий оламига таъсир кўрсатиш орқали

манипуляция қилишдаги уринишлардан ҳимоялашда прагматиклик ва креативлик уйғунлигининг эстетик идеални шакллантиришдаги роли асосланғанлигига оид таклиф, тавсия ва хulosалардан Ёшлар ишлари агентлиги «2022-2023 йилларда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш дастури» иловаси 2 қисми 22 банди Ёшларнинг замонавий техника ва технологияларга бўлган қизиқишлирини қўллаб-қувватлаш, уларда инновацион тафаккур ва яратувчалик қобилиятини ривожлантириш мақсадида «Илм инновация ва тараққиёт» республика кўрик-танловини ишлаб чиқиши фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлигининг 2022 йил 9 сентябрдаги 4-13-23-2905-сон маълумотномаси). Натижалар ёшлар эстетик эҳтиёжларининг кибермакондаги трансформацияси салбий оқибатларининг олдини олишга ижобий таъсир кўрсатган;

Ўзбекистонда кибермакондаги хавфларни бартараф этишга қаратилган ислоҳотлар эстетик эҳтиёжлар трансформацияси натижасида юзага келаётган кибермаданий, медиамаданий ва медиаэстетик омиллар таъсириининг глобаллашув шароитидаги герменевтик моҳияти очиб берилилганлигига оид таклиф, тавсия ва хulosалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятида, жумладан, 2021-2022 йилларда Республика миқёсида ўтказилган «Маданият карвони» концерт-томуша тадбирлари ҳамда 2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2022 йил 9 сентябрдаги 02-12-08-3663-сон маълумотномаси). Диссертациянинг тадқиқот натижалари янги кибермаданият ва медиамаданият йўналишидаги фаолиятни ўрганишга ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу диссертациянинг тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қўринишида тақдим этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 таси республика, 2 таси хорижий журналлар) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация «Кириш», уч боб, «Хулоса», «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати», «Иловалар»дан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмida мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажариладиган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти, предмети ва

усуллари асосланган. Шу билан биргалиқда, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган.

Диссертация ишининг «Эстетик эҳтиёжлар шаклланиши ва уларнинг назарий - методологик асослари» деб номланган биринчи бобида шахс эстетик эҳтиёжлари инсон – техника тизимида шаклланиш ва ривожланиш босқичларининг фалсафий-методологик жиҳатлари, кибермаконда эстетик эҳтиёжларнинг мазмун-моҳияти ва ўзгарувчан жараёнларнинг ривожланиш истиқболлари билан уйғунлиги, бадиий-эстетик хусусиятлари илмий жиҳатдан очиб берилган.

Эҳтиёжлар ҳар қандай инсон фаолиятининг бошланғич нұқтасидир. Эҳтиёж бу инсоннинг табиий, физиологик, психологияк, моддий-иктисодий, ҳуқуқий-мағкуравий ҳамда маънавий қондириш ёки рүёбга чиқаришга интилишнинг мажмуудир¹⁴. Шу маънода эҳтиёжлар нафақат биологияк ва ижтимоий, балки техник, экологик каби тизимларга ҳам тегишли. Одамларнинг ёши, жинси, миллати, дини, та’лим даражаси, касби, оиласи ҳақовли, яшаш мұхитига кўра бир-биридан фарқланишини таъкидлайдилар. Шу муносабат билан эҳтиёжлар кимга кераклигига қараб индивидуал (индивидуал), гурух (корпоратив), ҳудудий, жамоавий (умумий) эҳтиёжларга бўлинади.

Замонавий илмий адабиётларда эҳтиёжлар, уларнинг шаклланиши ва ривожланиши нұқтаи назаридан эмас, асосан, эстетик эҳтиёжларга бадиий асарларни идрок этиш жараёнида субъектда қониқиши хиссини ҳосил қилувчи омил сифатида қаралади. Шубҳасиз, эстетик эҳтиёжларга бўлган талаб ҳам миқдор ҳам сифат жиҳатдан ортиб боради. Олимлар фикрига кўра, эстетик эҳтиёжларнинг инсон – техника тизимида шаклланиши шахснинг ўзини ўзи англашининг турли шакл ва ижодий имкониятларини очишни ўз ичига олади.

Мазкур бобда эҳтиёжлар ва эстетик эҳтиёжлар шаклланиши, эстетик эҳтиёжларнинг мазмун-моҳияти ва ўзгарувчан жараёнларнинг ривожланиш истиқболлари билан уйғунлиги, бадиий-эстетик хусусиятлари, шахс эстетик эҳтиёжлари инсон – техника тизимида шаклланиш ва ривожланиш босқичларининг фалсафий-методологик жиҳатлари илмий жиҳатдан очиб берилган. Натижада инсон эстетик тафаккурида юзага келаётган эстетик муаммолар ва уларнинг трансформациян жараёнларни ўрганишга эътибор қаратилган.

А. Маслоу томонидан эҳтиёжларнинг иерархик таснифида эстетик эҳтиёжларга алоҳида ўрин берилган. Унинг фикрича, инсон гўзалликка инстинктив эҳтиёжга эга. Эстетик эҳтиёжлар моҳияти, шаклланиш, ривожланиш шартлари ва имкониятларини кўриб чиқиши масалаларига оид қатор тадқиқот ва илмий изланишлар олиб борилган ўрганлиган.

Эстетик эҳтиёж – инсоннинг эстетик қадрият ва ижодий фаолиятнинг турли шаклларига бўлган қизиқиши, эстетик завқ олиши, эстетик

¹⁴ Мухторов А. Миллый ғоя тақомилида эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги // ф. ф. д. дисс. Автореферати. – Тошкент, 2010. – 13 бет.

қонуниятларнинг эстетик объектда (жумладан, кибермаконда) жамланган шаклда ифодаланиши. «Эстетик эҳтиёжни шакллантириш санъат ва воқеликнинг эстетик, бадиий сифатларини истеъмол қилиш жараёнлари билан биргаликда идрок асосида «тимсол ва ўхшатиш» воситалари яратилишини ҳам ўз ичига олиши керак»¹⁵. Инсон техника тизимида эстетик эҳтиёжлар шаклланиш қонуниятларини кўриб чиқища уни ижодкор табиатнинг эстетик қадрият сифатларини идрок этиш (истеъмол қилиш) ва уларни индивидуал идрок асосида тасвирлаш (яратиш) эҳтиёжи, яъни истеъмол ва яратилишнинг бирлиги сифатида эътиборга олиш зарур.

Кенг маънога эга бўлган «эстетик» тушунчаси эса бадиий, гўзал, улуғвор, фожиали, кулгили, шунингдек, уларнинг қарама-қаршилигини ташкил этувчи нарсаларга тегишли бўлган ҳамма нарсани ўз ичига олади, яъни хунуқлик, тубанлик, кулгулилик, қизиқарлилик ва ҳоказо. Эстетик эҳтиёжларнинг шаклланиши, олимларнинг фикрига кўра, шахснинг ўзини ўзи англашининг турли шаклларини маъқуллаш, унинг ижодий имкониятларини очишидир. Шунинг учун эстетик эҳтиёжни ижодга бўлган эҳтиёж, деб билиш мумкин.

Инсон эстетик эҳтиёжлари қондирилишининг юксак нуқтаси ижодкорликдир. Интернет технологиялари ёрдамида фойдаланувчи янги реалликни ўз ҳиссиётларига мос равишда қура олади, бу эса одамнинг когнитив имкониятларини кенгайтиради (илгари тасаввур қилинган ҳақиқат моделларининг ҳиссий-визуал тасвири).

Нафосат оламининг объектив ва субъектив томонлари мавжуд бўлиб, унда одамларнинг воқеликка эстетик муносабатда бўлиш жараёнида яратилган «иккинчи табиат», ишлаб чиқариш технологияси, турмуш тарзи, оила, боғча, таълим-тарбия муассасалари объектив омил ҳисобланиб, шахс ва унинг ҳис - туйғуси, диди, тасаввур ва хаёллари субъектив томонларни ташкил қиласди¹⁶. Шахс фаолиятининг ҳиссий омили эстетик эҳтиёжларни шакллантиришнинг энг муҳим ва зарурий воситасидир. Бу шахснинг турли воситаларидаги воқеа ёки ҳодисалар билан мулоқот қилишдан шодлик, қувонч, ҳайрат, яъни эстетик завқ олиши билан изоҳланади. Бундан келиб чиқадики, ушбу жараёнда креатив, ижодий ва тарбиявий фаолиятга, унинг мазмуни, шакллари ва амалга ошириш усулларига нисбатан ижобий ҳис-туйғулар пайдо бўлишини таъминлаш муҳим.

Эстетик эҳтиёж – инсоннинг эстетик қадриятларга бўлган қизиқиши, инсоннинг турли фаолият шаклларида эстетикани ўзлаштириши ва яратишнинг бошланғич нуқтаси, энг аввало, эстетикани ўзида мужассамлаштирган бадиийлик шакли. Эстетик эҳтиёжлар шахс ва жамиятда эстетик маданият қуриладиган асосдир, чунки эстетик эҳтиёжлар даражаси нафақат шахснинг эстетик маданияти, балки унинг бутун маданияти даражасидир.

Эстетик англаш ва шу асосдаги фаолият жараёни ибтидоси эстетик эҳтиёжга бориб тақалади. Эстетик эҳтиёж инсон ҳаётида рўй берадиган барча

¹⁵ Пирадов А.В. Эстетическая культура личности. // Знание, – Ленинград, 2016. – № 3(2).-С. 24.

¹⁶ Нурматова М., Шахс маънавий камолотида эстетик ва ахлоқий қадриятлар уйғунлиги муаммоси // ф. ф. д. дисс. Автореферати. –Тошкент: 2011. – 74 бет.

эстетик ҳодисаларнинг асоси сифатида ҳам табиий-биологик, ҳам ижтимоий-маънавий моҳиятга эга. Инсон – техника тизимида эстетик эҳтиёжларни шакллантиришнинг яна бир жуда муҳити шарти – ўқитиши ва тарбиялаш жараённида индивидуал ёндашув зарурияти. Индивидуал ёндашув усули инсон – техника тизимида ижодий фаолликни рағбатлантиради.

Инсоннинг эстетик тафаккурига хос ижодкорлик, ғоявий интеллектуал эҳтиёжлар, жамият маънавий муҳити туғдирадиган турли-туман эстетик жараёнлар шахс ва жамият ўртасидаги боғланишлар сингари сабаб ва оқибатнинг тадрижий йўлини кўрсатади. Бунда шахс ва жамиятаро эстетик муносабатлар жамият ва ижтимоий ҳаёт эҳтиёжларидан келиб чиқкан қонуният ва мезон бўлиб ҳисобланади. Шахс жамиятсиз, жамият эса шахссиз ўз ижтимоий моҳиятини бажара олмайди. Шунинг учун жамият шахснинг ижтимоий-сиёсий муносабатларини белгилаганидек, шахс маънавий салоҳиятисиз ҳам жамият тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди.

Таълим фаолиятида экстериоризация (ташқи омиллар) ролини ошириш масаласи янгиланмоқда. «Эстетик эҳтиёжни шакллантириш санъат ва воқеликнинг эстетик ва бадиий сифатларини истеъмол қилиш жараёнлари билан биргаликда идрок асосида «тимсол ва ўхшатиш»да яратилишини ҳам ўз ичига олиши керак» . Инсон – техника тизимида эстетик эҳтиёжларнинг шаклланиш қонуниятларини кўриб чиқишида уни ижодкор табиатнинг эстетик қадрият сифатларини идрок этиш (истеъмол қилиш) ва уларни индивидуал идрок асосида тасвирлаш (яратиш) эҳтиёжи, истеъмол ва яратилишнинг бирлиги сифатида эътиборга олиш зарур.

Абдулла Шер техника эстетикасининг тадқиқот объектини: «Техника эстетикаси ноосфера гўзаллигини, улуғворлигини таъминлайди, атрофимизни ўраб турган, майший турмушимизнинг бир қисмига айланиб қолган нарсалар ва ашёлар воситасида эстетик дидимизга замон нафасини сингдиради, бизни ҳар қадамда эстетиклашишга даъват қиласи, техника эстетикаси бутунги кунда бизга энг яқин бўлган ноосферани – техникавий муҳитни мунтазам инсонийлаштириб бориш муаммоларини ўрганади»¹⁷ деб таъкидлайди. Техника эстетикасида «Бау-хаус» мактабида биринчи дизайннерлар гармония, ритм, композиция ва бошқа эстетик қонуниятларни чуқур эгаллаган рассомлар ва архитекторлар бўлган, уларнинг яратган дастлабки маҳсулотлари ҳам шунинг учун эстетик талабларга жавоб берган, шундан кейин эстетик қонуниятлар буюмлар муҳити оламига ҳам кўчиб ўтган, шу маънода кибер оламда рассомлик санъатининг хусусан график дизайнининг барча қонуниятлар амал қиласи.

Хуллас, фикримизча эҳтиёжлар ва шахс эстетик эҳтиёжларининг мазмун-моҳияти, бадиий-эстетик хусусиятлари ва ўзгарувчан жараёнларнинг ривожланиш истиқболлари билан уйғунлиги ўрганилган. Инсон – техника тизимида эстетик эҳтиёжлар шаклланишининг уч босқичи: премодернизм, модернизм ва постмодернизм даврлари тадқиқ этилган. Инсон-техника ва илм-фан тизимида воқеликни эстетик идрок этиш (кўриш, ўқиш ёки тинглаш) ва

¹⁷ Abdulla Sher. Estetika. – Toshkent: O'zbekiston, 2014. –189-bet.

эстетик объектни танлаш эҳтиёжи мавжуд экан, унинг натижасида инсон эстетик тафаккурида юзага келаётган эстетик муаммолар ва уларнинг трансформациян жараёнларини ўрганишга эътибор қаратилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Кибермаконда шахс эстетик эҳтиёжларининг трансформацияси ва концептуал аҳамияти»** деб номланган бўлиб, унда кибермакон – компьютер графикиси ёрдамида яратилган ва субъектнинг ҳиссий-эстетик жаҳатларига таъсир қилувчи, эстетик объект сифатида ўрганилган. Ушбу параграфда виртуал оламнинг эстетик манзараси ва эстетик муносабатлар ўзгариши тенденциялари, ижтимоий тармоқларнинг янги эстетик муносабатлар майдони сифатидаги таснифи, кибермаконда веб дизайн ва маркетингнинг эстетик хусусиятлари, виртуал олам ва кибермаконнинг замонавий санъат ва эстетик маданият соҳасига фаол кириб келгани, «кибермакон» тушунчасида эстетик эҳтиёжлар трансформацияси жараёни ўрганилган.

Бугунги глобаллашув шароити шахс эстетик маданиятининг мафкуравийлашувини, дунёқараш сифатида сабит бўлишини талаб этмоқда. Бунинг боиси жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар бевосита ҳеч кимни глобаллашув жараёнидан четда қолдирмайди, аксинча, ундан қочаман деганлар кўпроқ унинг тўрига тушиб қолади. Инсоннинг ахборот олишга бўлган иштиёқи, эстетик диди ва кечинмалари ўзи ҳохламаган ҳолда бу вазиятга олиб бориши мумкин¹⁸. Ахборот бугунги қунда асосий манба бўлиб, дунёни ўзгартиради, унинг ривожланишга имкон беради. Ахборот қидириш жуда оддий бўлиб қолди, интернетга уланиш орқали одам исталган маълумотларни топа олади.

Кибермакон – шахсий маълумотлар майдони. У ҳар бир шахс томонидан индивидуал равишда яратиладиган шахсий ахборот муҳитини ташкил этади. Смартфонда кўплаб фотосуратлар, эслатмалар, телефон рақамлари, турли хил маълумотларга эга дастурлар ва мобил иловалар мавжуд. Шахсий маълумотлар, қоида тариқасида, маълум бир қурилма доирасидан ташқарига чиқмайди. Юқорида келтирилган тушунчаларга асосланиб, ахборот маконининг тузилишини ташкил этувчи қуидаги компонентларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Алоқа каналлари орқали узатиладиган ахборотни идрок эта оладиган аудитория;
2. Ривожланган ва такомиллаштирилган алоқа технологиялари тизими (ахборот ва телекоммуникация инфратузилмаси);
3. Ахборот ва технологик даражадаги халқаро ҳамкорлик тизими.

«Кибермакон» сўзини биринчи марта Уильям Гибсон 1984 йилда «Нейромансер» романида кўп фойдаланувчига эга бўлган глобал виртуал муҳитга ишора қилиш учун ишлатган. У.Гибсон компьютер графикиси ва инсон-компьютер интерфейси олимлари ҳозир интилаётган сунъий дунёни, яъни кибермаконни қуидагича таърифлайди: «Кибермакон – коллектив

¹⁸ Файбуллаев О., Шахс эстетик маданиятининг шаклланиш ва ривожланиш муаммолари. // ф. ф. д. Диссертация. –Тошкент, 2011. –Б. 195.

галлюцинациялар, инсон тизимидағи ҳар қандай компьютернинг хотира банкларидан олинган маълумотларнинг график тасвири, ақлнинг кўринадиган майдонини кузатувчи ёруғлик чизиқлари».

Виртуал оламнинг эстетик манзарасини тушунтиришда айни вақтда мавжуд бўлган кўринишлар: компьютер ўйинлари; CD-ROM номлари; Голливуд фильмларидаги виртуал тўпламлар; VR симуляциялари; VRML саҳналари, WorldChat ва Quicktime, VR фильмлари каби виртуал оламнинг умумий эстетик хусусиятлари ўрганилган. Бундан ташқари, виртуал майдонларни қуриш учун ишлатиладиган асосий технология ва техникалар: 3D компьютер графикаси; рақамли видео; композициялаш кабилар кўриб чиқилган.

«Виртуал олам» ўзи билан ҳиссий оламни ва ундағи инсоннинг аниқ кечинмаларини эслатиши муҳим эмас, балки тегишли ғоялар қанчалик ғалати бўлмасин, инсоннинг ушбу ғояларга мос келадиган оламда бўлиши муҳимдир. Виртуал олам – компьютер ўйинлари янги виртуал дунё тушунчасини яратди, унда мавжуд дунёнинг кўпчилик қирралари ифодаланади. Онлайн ўйинлари, бошқа ўйинлар товар-пул муносабатлари доирасига ҳам кириб келди¹⁹. Виртуал оламнинг эстетик манзараси ушбу маконда содир бўладиган жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришларнинг инсонлар онги ва ҳиссиётларига таъсир ўтказиши билан ўлчанади. Инсон билан виртуал олам ўртасидаги эстетик муносабат ва нафосат майдони ҳосил бўлишида «Эстетика» фанининг категориялари муносиб ўрин тутади.

Ушбу бобда виртуал оламдаги композиция; шакл ва мазмун; ранглар уйғунлиги; гўзаллик; ҳаётий мавжудликка эга бўлмаган, аммо киноларда ўзига тортадиган фантастикада – мўъжизавийлик ва ҳаёлийлик; виртуал оламдаги қаҳрамонлар образида – ҳайрат; кучли мушоҳадага чорлайдиган жумбоқлар, асотирларда улуғворлик категорияларининг намоён бўлиши ўрганилган. Мўъжизавийлик билан ҳаёлийлик орасидаги яна бир фарқ шунда-ки, мўъжизавийлик доимо баҳтли ечим билан тугайди, ҳаёлийлик эса, гоҳ фожиавийликни, гоҳ кескин драматик ҳолатларни ечимга олиб келиши мумкин. Улар аввал кино санъатида ўз ифодасини топган, кейинчалик видеоўйинларга кўчган, масалан: «Матрица», «Метро 2033», «Газаб вируси», «Фантастик тўртлик», «Капитан Америка», «Ўргимчак одам» ва бошқалар.

Ижтимоий тармоқларнинг сони ошиб бораётганланлиги сабабли уларга ташриф буюриш, танлаш имконияти ҳам кенгайиб бормоқда. Ана шунинг учун ҳам реклама жойлаштириш орқали ўз тармоқларига кирувчиларни жалб этиш усулини топишишмоқда. Баъзи бир ижтимоий тармоқлар бу борада турли ҳил усуллар ва воситалардан фойдаланишмоқда. Бу орқали инсон онги ва унинг эстетик маданиятига салбий таъсир кўрсатмоқдалар. Бундай сайтларнинг вақтинчалик фойдаланувчилари кўпайиши мумкин, лекин вақт ўтгач уларнинг сони камайиб боради. Ўзбекистон шароитида ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларни ёшини, ишини, ҳудудини, ҳисобга олган

¹⁹ Туляев А.И., Виртуал оламнинг ахлоқий муаммолари (фалсафий таҳлил): ф. ф. б. ф. д. (PhD) дис. Автореферати. – Тошкент: 2021. – Б. 13.

холда яратиш лозим. Бу орқали берилаётган ахборотлар инсонларнинг онги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоғи лозим.

Эстетик ҳиссиёт – шахснинг табиий ва ижтимоий воқеликнинг объектив экспрессив шаклларига субъектив эмоционал муносабат натижаси, у субъектнинг ижтимоий тармоқни идрок этишида ҳам ўз ифодасини топади. Айни пайтда «Эстетика» фани, ижтимоий тармоқларнинг эстетик табиати, унинг ижодийлиги ва бошқа эстетик хусусиятларини тадқиқ этади, ижтимоий тармоқлардаги услугуб ва йўналишларнинг ижодий моҳиятини ўрганади.

Кибермаконда маркетингнинг эстетик жиҳатлари (видео ўйинлар, мусиқа, фильмлар, турли жанрлар ва оммавий маданият тенденциялари), асосан, томошабин қизиқиши ва талабларига бўйсуниш, инсон ҳиссиётларини эгаллашга йўналтирилган бўлса, веб дизайн – виртуал оламда шакл ва мазмун ўйнлигини, гўзаллик ва жозибадорликни таъминлайди.

Хозирги тез суръатларда ривожланаётган замонда биз киберолам воситаларисиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Ушбу воситаларнинг ҳиссиётларимизга таъсири натижасида дид ва мезонларимиз ҳам ўзгар-моқда. Кибермакон инсонлар даромад кўришлари учун кибермаркетинг соҳасини ҳам таклиф этмоқда. Энди бир вақтнинг ўзида ушбу олам эҳтиёжларни қондириш, ўзгартириш ва даромад манбаига айланди. Кибермаркетинг эстетикага соғ функционал нуқтаи назардан қарашни, маҳсулотнинг эстетик хусусиятларидан фойдаланишни афзал кўради. Маркетингнинг эстетик концепцияси учта компонентдан иборат: маҳсулот дизайнни, қулайлик ва истеъмолчи эҳтиёжларини қиёсий тадқиқ қилиш.

Веб дизайннинг видео ўйинлардаги эстетик хусусиятлари қўйидагиларда намоён бўлади:

1. Ўйиннинг визуал тимсоли алоҳида эстетик аҳамиятга эга эканлигига.
2. Видео ўйинларни визуал идрок этишда графика санъати билан юқори сифатли иллюзиялар яратишида.
